

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАЙДАРОВ АВАЗ АМОНОВИЧ

ХОЛЕДОХОЛИТИАЗ САБАБЛИ РИВОЖЛАНГАН ЙИРИНГЛИ
ХОЛАНГИТЛАРДА ЭНДОБИЛИАР АРАЛАШУВЛАР

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳайдаров Аваз Амонович

Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитларда эндобилиар
аралашувлар.....3

Хайдаров Аваз Амонович

Эндобилиарные вмешательства при гнойных холангитах развившихся по
причине холедозолитиаза.....27

Haydarov Avaz Amonovich

Endobiliary interventions for purulent cholangitis due to choledolithiasis.....51

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works.....57

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАЙДАРОВ АВАЗ АМОНОВИЧ

ХОЛЕДОХОЛИТИАЗ САБАБЛИ РИВОЖЛАНГАН ЙИРИНГЛИ
ХОЛАНГИТЛАРДА ЭНДОБИЛИАР АРАЛАШУВЛАР

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib2542 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Абдурахманов Маъмур Мустафаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Лигай Руслан Ефимович
тиббиёт фанлари доктори

Глабай Владимир Петрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ кuni соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори(DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда ўт тош касаллиги (ЎТК) ва унинг асорати холедохолитиаз, гепатобилиар тизим касалликлари таркибида етакчи ўринни эгаллайди. Бу нафақат катта тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга, чунки ёш ва меҳнатга лаёқатли беморлар сони йилдан-йилга тобора кўпайиб бормоқда. Ўткир тош касаллигининг кўпайиши билан бир вақтда унинг мураккаб шакллариининг сони ҳам ўсиб боради: холедохолитиаз, стенозловчи папиллит (СП) ва механик сариклик билан биргаликда келмоқда. Холедохолитиаз - бу жарроҳлик аралашувни талаб қиладиган холецистолитиазнинг энг кенг тарқалган асоратлари. Холедохолитиаз, холецистолитиаз билан оғриган беморларда 10-20% ҳолларда ривожланади. Адабиётларга кўра, холецистэктомия бўлган беморларнинг 10% да холедохолитиаз кечки муддатларда ҳам аниқланади. Умумий ўт йўлида конкреметларнинг бўлиши адекват ўт чиқишининг бузилишига, ўт гипертензиясининг юзага келишига, механик сариклик, йирингли холангит, ўтли панкреатитининг ривожланишига ва кўпгина ҳолатларда папиллостеноз ҳосил бўлишига олиб келади.

Жаҳон миқёсида сўнгги йилларда бутун дунёда холедохолитиаз билан касалланишнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.¹ Холангит 80-85,7% беморларда ривожланадиган холедохолитиазнинг асоратлари таркибида алоҳида ўрин тутади. Ўткир холангит операциядан кейинги асоратлар хавфини оширади ва ўлимнинг кўпайишига олиб келади, бу 10-21,2% ни ташкил қиладди. Ўткир холангит ва механик сарикликнинг комбинацияси билан операциядан кейинги ўлим 4,7% дан 88% гача ораликда кузатилган. Механик сариклик фонида йирингли холангитнинг ривожланиши холангиогепатит, жигар абсцесслари, пилефлебит, сепсис, септик шок кўринишидаги инфекциянинг генерализацияланиши йўли билан доимо хавфлидир.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар давом этмоқда. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон қарорига белгиланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилмоқда ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг² 2020-йил 10-ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат

¹ Уроков Ш.Т., Абидов У.О. Синдром механической желтухи. Бухара, 2020. 12-15-б

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни режалаштириш стратегияси тўғрисида» ги фармони

бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4887-сон, 2020-йил 12-ноябрдаги “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон, фармонлари тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали” ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўткир йирингли холангит патогенезида ўт йўллариининг тўсатдан тикилиб қолиши асосий рол ўйнайди, бу ўт ва ўт гипертензиясининг турғунлигига олиб келди. Ҳозирги вақтда маълумки, йирингли холангит ривожланишида ўт гипертензияси, ўт йўллари инфекцияси ва уларда яллиғланиш ривожланиши билан ўт йўллари ўтказувчанлигининг бузилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Клиник жиҳатдан механик сариқлик белгилари дарҳол пайдо бўлади ва кейинчалик эндотоксикознинг намоён бўлиши, билиар сепсис ривожланиши ва унга полиорганли етишмовчиликлар кўшилади. Ўт чиқиши бузилишининг энг кенг тарқалган сабаби бу холедохолитиаз бўлиб ҳисобланди. Холедохолитиаз сабабли механик сариқликнинг давомийлигига кўра йирингли холангит билан оғриган беморлар 15,0-47,8% ташкил қилади(Александров Б.А., 2017й)

Ўт йўлларига инфекция одатда портал томир тизим орқали ўтиши эътироф қилинади. Ўт йўлларида яратилган шароитлар, яъни: ўт гипертензияси, ўт ўтишининг бузилиши холангиовеноз ва холангиолимфатик рефлюкс, тизимли бактериемиа ва оғир интоксикация ривожланиши билан ўт пуфаги ва ўт йўллариининг деворларида, аэроб ёки анаэроб микроорганизмларнинг сезиларли даражада кўпайишига кўмаклашади. Йирингли холангитли беморларни даволашнинг асосий йўналишлари, бу ўт йўллариининг эрта декомпрессияси, ўт микрофлорасининг сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда антибактериал давои тайинлаш ва детоксикацион даво олиб боришдан иборат. Юқоридаги амалиётлар бажарилганидан сўнг, 2-босқич сифатида йирингли холангит билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш амалга оширилади (Бебуришвили А.Г., 2017й)

Биринчи босқич-ўт йўллариининг мини-инвазив усуллар билан декомпрессияси: холедохда назобилиар дренажни ўрнатиш орқали эндоскопик папиллосфинктеротомия килинса, иккинчи босқич сифатида беморлар лапароскопик ёки анъанавий холецистэктомиа ёки холецистэктомиа холедохнинг ташқи дренажи билан мини-инвазив усули орқали амалга оширилади. Бироқ, даволаниш натижалари ҳар доим ҳам жарроҳларни қониқтирмайди. Септик ҳолатлар беморларнинг 20,0% да аниқланади. Ўлимга олиб келадиган натижалар 6,25-30,0% ҳолларда

кузатилади(Багненко С.Ф., 2013 й) Шу муносабат билан, йирингли холангит билан асоратланган холедохолитиазли беморларни жарроҳлик даволаш самарадорлигини ошириш учун ўт пуфаги ва ўт йўллариининг бактериал ифлосланишини тиклаш, жигарда микроабсцесслар пайдо бўлишининг олдини олиш, септик ҳолатлар ва ўлим учун комплекс давони янада такомиллаштириш зарур. Ўт йўллариини реабилитация қилиш учун антибактериал давони танлашнинг мураккаблиги холангитни даволашда асосий хусусиятлардан биридир. Ноаниқ бактериал флора, сезгирлик аниқланмаганда, кенг спектрли антибиотикларни эмпирик қўллаш индивидуал толерантлик, гепатотоксиклик ва нефротоксикликни ҳисобга олмаган ҳолда, операциядан олдин ва операциядан кейинги дастлабки даврда антибактериал даво самарадорлигини кафолатламайди. Озон терапияси эфферент терапиянинг энг самарали усули бўлиб, 0,02% ли диметоксин эритмаси тадқиқотчилар ва клиницистларнинг диққат марказида қолмоқда(Саидмурадов К.Б. 2019 й)

Йирингли холангитни комплекс даволашда даволаш усуллариини такомиллаштириш, озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% диметоксин эритмаси билан эндобилиар даволаш усуллариини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% диметоксин эритмаси билан анъанавий ва эндобилиар даволаш билан комплекс антибактериал, яллиғланишга қарши, детоксикация масалалари ўрганилмаган бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2021.PhD.2576) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллариини ишлаб чиқиш” (2022-2026 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитли беморларда транспапилляр аралашувлар ёрдамида озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% диметоксин эритмаси ёрдамида даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

йирингли холангит билан асоратланган холедохолитиазли беморларни жарроҳлик усулида даволашда дифференциал тактик ёндашувни ишлаб чиқиш;

йирингли холангит билан асоратланган холедохолитиазли беморларда ретроград эндоскопик транспапилляр аралашувлар натижаларини таҳлил қилиш ва билиар декомпрессиянинг оптимал усулини аниқлаш;

йирингли холангитни даволашда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% диметоксин эритмаси билан эндобилиар давонинг клиник самарадорлигини баҳолаш;

йирингли холангитнинг анъанавий давосига нисбатан озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% диметоксин эритмаси билан операциядан олдин комплекс эндобилиар даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2021 йиллар давомида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг шошилич хирургия бўлимлари ва эндоскопия хонасига ўт тош касаллиги, холедохолитиаз сабабли ривожланган, ўткир йирингли холангит асорати касалликлари билан даволанган 120 нафар беморда олиб борилган изланиш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети холедохолитиазда, йирингли холангит билан асоратланган беморларни даволашда эндоскопик, яъни интрахолангиал йўл билан ўт йўллари озон ва диметоксин эритмалари билан санация қилганда, ўткир холангит учун мос бўлган яллиғланиш жараёнларининг сўнишини клиник, лаборатор, ва микробиологик текшириш усуллари ёрдамида таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги текшириш усуллари: клиник, клиник - лаборатор, инструментал (УТС, эластометрия, ЭФГДС, ЭПСТ, ЭРПХГ, МРПХГ) дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўткир йирингли холангитни даволашда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин эритмаси билан эндобилиар даволаш усули ишлаб чиқилган ва унга кўрсатмалар аниқланган;

озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксинни кунлик эндобилиар юборишнинг, детоксикацион самараси, яллиғланишга қарши, иммунокорректив таъсир килиб, жигарнинг функционал ҳолатини тизимли тиклаш таъсирига эга бўлиб, қоннинг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларига (билирубин, АСТ, АЛТ, ишқорий фосфатаза, креатинин) ижобий таъсири билан боғлиқлиги исботланган;

озонланган физиологик эритма ва 0,02% ли диметоксин билан 5-7 кун давомида эндохоледохеал йўллари санация килиш ижобий натижаларга олиб келган;

эндоскопик транспапилляр аралашувлар ва умумий ўт йўлидан литоэкстракциядан сўнг ўткир йирингли холангитни комплекс даволашда назобилиар дренаж орқали озонланган натрий хлорид физиологик эритмаси ва 0,02% диметоксин эритмаси билан эндобилиар даволашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Ўтказилган клиник тадқиқотлар йирингли холангитни комплекс даволашда озонланган физиологик эритма ва 0,02% ли диметоксинни эндобилиар қўлланилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатилган. Озон терапиясининг таклиф қилинган вариантлари яллиғланиш жараёнининг оғирлигини, эндотоксикозни, операциядан кейинги асоратларнинг ривожланишини ва йирингли холангитли беморларда жигар етишмовчилигини камайтириши

мумкин. Озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин билан эндобилиар даволашнинг клиник ва лаборатор самарадорлиги ва йирингли холангитни даволашда эндоскопик транспапилляр аралашувлардан кейинги дастлабки даврда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлари сонининг етарлилиги, клиник, инструментал (УТТ, ЭФГДС, ЭРПХГ, ЭПСТ, МСКТ, МРПХГ), статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўткир йирингли холангитни даволашда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин эритмаси билан эндобилиар терапия усули ишлаб чиқилганлиги ва унга кўрсатмалар аниқланганлиги; озонланган натрий хлорид эритма ва 0,02% ли диметоксинни кунлик эндобилиар юборишнинг, детоксикацион самараси, яллиғланишга қарши, иммунокорректив таъсир килиб, жигарнинг функционал ҳолатини тизимли тиклаш таъсирига эга бўлиб, қоннинг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларига (билирубин, АСТ, АЛТ, ишқорий фосфатаза, креатинин) ижобий таъсири билан боғлиқлиги исботланганлиги, озонланган физиологик эритма ва 0,02% ли диметоксин билан 5-7 кун давомида эндохоледохеал лаваж йўллари санація килиш ижобий натижаларга олиб келганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўтказилган клиник тадқиқотлар, йирингли холангитни комплекс даволашда озонланган физиологик эритма ва 0,02% ли диметоксинни эндобилиар қўлланилишини қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатганлиги, озон терапиясининг таклиф қилинган вариантлари яллиғланиш жараёнининг оғирлигини, эндотоксикозни, операциядан кейинги асоратларни ривожланишини ва йирингли холангит билан оғриган беморларда жигар етишмовчилигини камайтириши мумкинлигини кўрсатганлиги, озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин, йирингли холангитни даволашда, эндоскопик транспапилляр аралашувлардан эндобилиар даволашнинг клиник ва лаборатор самарадорлиги ва дастлабки даврда уни қўллаш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитли беморларда даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган натижалар асосида:

холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитли беморларда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин эритмасини қўллаш ушбу тоифадаги беморларда даволаш самарадорлигини яхшилаш,

ётоқ кунларини камайтириш ва қисқа кунларда беморни даволашнинг П-босқичига тайёрлаш имконини берган «Йирингли холангит билан асоратланган холедохолитиазли беморларда эндобилиар аралашувларда озон терапиясининг самарадорлиги» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 8н-р/808-сонли маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ўткир йирингли холангитга характерли бўлган яллиғланишни тез бартараф этиш, ётоқ кунларини камайтириш, радикал жарроҳликни мақбул шароитларда амалга ошириш имконини берган.

Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитли беморларда даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган натижалар амалий тиббиётга, хусусан Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги 8н-з/304-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайиши ҳисобига даволашнинг давомийлигининг ва нархининг пасайишига олиб келган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк маротоба ўткир йирингли холангитни даволашда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин эритмаси билан эндобилиар даволаш усули ишлаб чиқилган ва унга кўрсатмалар аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитли беморларда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин эритмасини қўллаш ушбу тоифадаги беморларда даволаш самарадорлигини яхшилаш бу ўз навбатида даволаш натижалари жараёнини тезлаштирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Бухоро вилоят Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29.07.2022 йилдаги жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган даволаш усулини амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайишига олиб келди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: даволаш усулини амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайиши ҳисобига даволашнинг давомийлигининг ва нархининг пасайишига олиб келган.

Хулоса: илк маротоба ўткир йирингли холангитни даволашда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин эритмаси билан

эндобилиар даволаш усули ишлаб чиқилиши даволаш усулини амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайиши ҳисобига даволашнинг давомийлигининг ва нархининг пасайишига олиб келган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксинни кунлик эндобилиар юборишнинг, детоксикацион самараси, яллиғланишга қарши, иммунокорректив таъсир килиб, жигарнинг функционал ҳолатини тизимли тиклаш таъсирига ега бўлиб, қоннинг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларига (билирубин, АСТ, АЛТ, ишқорий фосфатаза, креатинин) ижобий таъсири билан боғлиқлиги исботланган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти: холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитли беморларда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин эритмасини қўллаш ушбу тоифадаги беморларда даволаш самарадорлигини яхшилаш бу ўз навбатида даволаш натижалари жараёнини тезлаштирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Бухоро вилоят Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29.07.2022 йилдаги жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: таклиф этилган даволаш усулини амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайишига олиб келди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: даволаш усулини амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайиши ҳисобига даволашнинг давомийлигининг ва нархининг пасайишига олиб келган.

Хулоса: илк маротоба ўткир йирингли холангитни даволашда озонланган натрий хлорид эритмаси ва 0,02% ли диметоксин эритмаси билан эндобилиар даволаш усули ишлаб чиқилиши даволаш усулини амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайиши ҳисобига даволашнинг давомийлигининг ва нархининг пасайишига олиб келган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: озонланган физиологик еритма ва 0,02% ли диметоксин билан 5-7 кун давомида ендохоледохеал йўллари санация килиш ижобий натижаларга олиб келган;

Илмий янгиликнинг аҳамияти Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитли беморларни даволашда озонланган натрий хлорид

физиологик эритмаси ва 0,02% декаметоксин эритмаси билан эндобилиар санация ишлаб чиқилган усули, анъанавий даволаш комплексига киритиш, операциядан кейинги асоратлар сони 2,8 баравар камайишига ва операция натижаларини яхшилашга олиб келди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Бухоро вилоят Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29.07.2022 йилдаги жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган даволаш усулини амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайишига олиб келди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:

1) Холедохолитиаз фонида ривожланган йирингли холангитларда, беморларни даволашда анъанавий усуллар ишлатилганда, даволаш муддати $19,3 \pm 1,12$ ётоқ кунларни ташкил қилди. Шу билан бирга операциянинг ИИ босқичига тайёргарлик учун, беморлар $7,3 \pm 0,42$ ётоқ кун сарф қилинди. Озонланган натрий хлорид физиологик эритмаси ва 0,02% декаметоксин эритмаси билан эндобилиар терапиядан фойдаланилганда беморларда даволанишнинг умумий давомийлиги ўртача $12,65 \pm 0,46$ кунни ташкил етди. Жарроҳликнинг ИИ иккинчи босқичига тайёргарлик учун, беморлар $7,3 \pm 0,42$ ётоқ кун сарф қилинди.

2) беморнинг шифохонадан ташқаридаги даври учун (бошқа тиббий муассасаларда даволаниши, масалан поликлиникада) бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган.

Хулоса: Умумий ўт йўлига озонланган физиологик еритма ва 0,02% декаметоксин эритмасининг киритилиши 3-кунга келиб, ўт таркибидаги микроб таналарининг титрини сезиларли даражада пасайишига олиб келади ва 5-кунга келиб микроб таналарини ўт суюқлигидан тўлиқ йўқ қилишга эришилди. Ўткир йирингли холангитда беморларни даволашда озонланган натрий хлорид физиологик эритмаси ва 0,02% декаметоксин эритмаси билан эндобилиар санация ишлаб чиқилган усули, анъанавий даволаш комплексига киритиш, операциядан кейинги асоратлар сони 2,8 баравар камайишига ва операция натижаларини яхшилашга олиб келди.

Илмий янгиликнинг моҳияти: эндоскопик транспапилляр аралашувлар ва умумий ўт йўлидан литоэкстракциядан сўнг ўткир йирингли холангитни комплекс даволашда назобилиар дренаж орқали озонланган натрий хлорид физиологик эритмаси ва 0,02% диметоксин эритмаси билан эндобилиар даволашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Холедохолитиаз фонида ривожланган йирингли холангитларда, беморларни анъанавий даволаш билан биргаликда озонланган натрий хлорид физиологик эритмаси ва 0,02% декаметоксин

эритмаси билан эндобилиар терапиядан фойдаланиш, ўт йўлларида яллиғланишни олдинроқ тўхтатишга, радикал холецистэктомиянинг иккинчи босқичига тайёргарлик вақтини 1,5 мартадан кўпроғига қисқартиришга имкон берди, жарроҳликнинг (холецистэктомия) иккинчи босқичида кейин касалхонада беморларнинг йирингли-септик ва полиорган етишмовчиликларни касалликлар олдини олиш ёрдам беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Бухоро вилоят Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29.07.2022 йилдаги жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган даволаш усулини амалиётга тадбиқ этилиши беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига, асоратлар ва ўлим ҳолатларининг камайишига, мажбурий операцияларнинг камайишига олиб келди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Холедохолитиаз фонида ривожланган йирингли холангитларда, беморларни анъанавий даволаш билан биргаликда озонланган натрий хлорид физиологик эритмаси ва 0,02% декаметоксин эритмаси билан эндобилиар терапиядан фойдаланишни амалиётга жорий этилиши ҳисобига ҳар бир беморни стационар даволаш бўйича 957 минг сўм миқдоридаги бюджет маблағларини ва 335 минг сўм миқдоридаги бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилиш имконини берган.

Хулоса: Холедохолитиаз фонида ривожланган йирингли холангитларда, беморларни анъанавий даволаш билан биргаликда озонланган натрий хлорид физиологик эритмаси ва 0,02% декаметоксин эритмаси билан эндобилиар терапиядан фойдаланиш, ўт йўлларида яллиғланишни олдинроқ тўхтатишга, радикал холецистэктомиянинг иккинчи босқичига тайёргарлик вақтини 1,5 мартадан кўпроғига қисқартиришга имкон берди, жарроҳликнинг (холецистэктомия) иккинчи босқичида кейин касалхонада беморларнинг йирингли-септик ва полиорган етишмовчиликларни касалликлар олдини олиш ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Холедохолитиаз сабабли асоратланган холангитнинг даволаш тактикаси”** деб номланган биринчи бобида тўғрисидаги замонавий қарашлар ҳақидаги маълумотлар баён қилинган. Ушбу бобда ўт тош касаллиги ва холедохолитиаз муаммосининг замонавий ҳолати, дунёда шу жумладан Ўзбекистон Республикасида касалликнинг тарқалганлик ҳолати, унинг ташҳисотининг клиник, патогенетик жиҳатлари, тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек холедохолитиаз ривожланишининг тарихи унинг этиологияси ҳақидаги илмий қарашлар, холедохолитиаз сабабли асоратланган йирингли холангитни замонавий комплекс даволаш кенг ёритилган. Даволашнинг асосий йўналишлари сифатида қараладиган жарроҳлик даволаш усуллари ва замонавий технологиялар, шунингдек миниинвазив даволашнинг эндоскопик усуллари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда белигланган вазифаларни бажариш мақсадида танланган материаллар ва усуллар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган.

Илмий иш Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти “хирургик касалликлар ва реанимация” кафедраси клиник базасида (РШТЎИМ Бухоро филиали I - II шошилиш жарроҳлик бўлимлари ва эндоскопия хонаси) бажарилган. 2010 йилдан 2021 йилгача клиникада холедохолитиаз сабабли ривожланган механик (шу жумладан резидуал холедохолитиаз) холангит билан касалланган 1977 бемор қабул қилинган. Тадқиқот давомида ушбу 120 (6,1%) беморни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари умумлаштирилган ва таҳлил қилинган. Ушбу беморларда механик сариклик холедохолитиаз сабабли ривожланганлиги тасдиқланган.

Йирингли холангит ташҳиси, касалхонага қабул қилинганида куйидаги клиник симптомлар асосида аниқланган: ўнг қовурға равоғи остида оғриқлар, механик сариклик, қалтироқ тутиши, совуқ қотиш, гипертермия, интоксикация белгилари, лейкоцитоз ва лейкоцитар формуланинг чапга силжиши, ултратовуш сонографиясига кўра-жигар ичи ва жигардан ташқари ўт йўллари кенгайиши асосида тасдиқланган. Бундан ташқари, йирингли холангит ташҳиси барча 120 (100%) беморларда эндоскопик текширув пайтида КДС орқали умумий ўт йўлидан чиқарилган ўт суюқлиги бор ёки йўқлигига асосан баҳоланган.

Йирингли холангитни даволанишига кўра, радикал жарроҳликнинг иккинчи босқичига тайёргарлик учун беморлар икки гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳ-46 бемор (назорат гуруҳи), анъанавий даволанган беморлардан, иккинчи гуруҳ - 74 бемор (асосий гуруҳ), қуйидагилардан иборат бўлган: анъанавий даволаш билан бирга эндоскопик йўл орқали ўт йўллари озонланган натрий хлорид ва 0,02% диметоксин эритмаси билан санация килинган.

Беморларни стационарда текширув жараёнида: қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, қон ивиш тизимининг кўрсаткичлари, ошқозон ости беши ва жигар ферментлари, қондаги қанд кўрсаткичи, қон гуруҳи ва резус омили, жигар сонографияси, жигардан ташқари ўт йўлларининг рентген текширувларни ўз ичига олган. Қоннинг биокимёвий текширувида умумий оқсил, жигар функциясининг кўрсаткичлари (билирубин, АЛТ, АСТ, ИФ), креатинин, алфа-амилаза, қондаги қанд, электролитлар (калий ва натрий) ва зардобдаги бикарбонат миқдорлари аниқланган. Барча клиник ва биокимёвий тадқиқотлар Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида бажарилган.

Ўт суюқлигининг бактериологик текширувида назобилиар дренаж сифатида анъанавий катетерлар ишлатилган. Ўт йўллари бактериал флорасининг спектрини аниқлаш ва эндобилиар озонланган натрий хлорид ва 0,02% диметоксин билан маҳаллий эндобилиар даволаш самарадорлигининг кузатуви амалга оширилган. Барча бактериологик тадқиқотлар Бухоро вилоят санитария - эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги кўмитасининг бактериологик лабораториясида ўтказилган.

ЭРПХГни бажариш ҳар доим эндоскопик интрапапилляр, транспапилляр аралашувлар билан бирга бажарилган: эндоскопик папиллосфинктеротомия (ЭПСТ), холедохолитоэкстракция, холедохни стентлаш, дренажлаш. ЭПСТ турли хил усулларда 120(87,0%) беморда бажарилган, шундан кейин 108(90%) беморда литоэкстракция ва назобилиар дренажлаш, 12 (10%) беморда пластик стент қўйиш билан яқунланган. Бу муолажалар давомида, КДС шиллиқ қаватидан кичик қон кетиш кўринишидаги асоратлар 14 беморда (11,7%) бўлган, буларнинг барчаси диатермокоагуляция йўли билан тўхтатилган. УЎЙ декомпрессия қилиш мақсадида 108 беморда (90%), ЭПСТ, дормиа саватчаси ёрдамида литоэкстракция, гепатикохоледох ревизия килинганидан сўнг барчасида назобилиар зондлаш амалиёти бажарилган.

II босқич операциялари 109 беморда жигар етишмовчилиги ҳолатларини бартараф килинганидан сўнг ва қонда билирубин даражасини пасайтиргандан сўнг (ўртача 4,9 кун) амалга оширилган. Лапароскопик холецистэктомия 64(58,7%) беморда амалга оширилган. Лапаротомия билан анъанавий холецистэктомия 45 (41,3%) беморларда, шу жумладан анъанавий холецистэктомия, УЎЙни Пиковский бўйича дренажлаш билан холедохотомия – 1 беморда, анъанавий холецистэктомия, холедохотомия УЎЙни Кер бўйича дренажлаш - беморда, анъанавий холецистэктомия, умумий ўт йўли Вишневский бўйича дренажлаш -1 беморда бажарилган.

Ўрганилаётган кўрсаткичларни вариацион таҳлил қилиш жараёнида ўртача қиймат (M) ва туб-ўртача квадратик хатолик ($\pm m$) аниқланган.

Ахборотни статистик қайта ишлаш STATISTICA Advanced дастури ва статистик дастурлар тўплами ёрдамида амалга оширилган. Маълумотлар базасини яратишда Microsoft Excel 2013 дан фойдаланилган. Лаборатор ва инструментал баҳолаш маълумотлари, назобилиар дренаж билан транспапилляр аралашувлардан кейинги биринчи, учинчи ва бешинчи суткаларда натижалар қабул қилинган қийматлар билан таққосланган. Стьюдентнинг t - критерийси аниқланган. Фарқлар $p < 0.05$ да аҳамиятли деб ҳисобланган. Шунингдек, миниинвазив жарроҳлик аралашувлар натижаларини таққосланган: эндоскопик (ЭПСТ+НБД) йирингли холангитни анъанавий даволаш (назорат гуруҳи) натижалари ва анъанавий даволашга қўшимча равишда эндобилиар озонланган натрий хлор ва 0,02% ли диметоксин эритмаси (асосий гуруҳ) ишлатилган беморлар орасида таққослаш ўтказилган. Ўт суюқлигининг бактериологик экмаларини таҳлил қилиш ва бактериал этиологиядаги фарқларни таҳлил қилиш пайтида (z), Стьюдентнинг (t) критерийсига аналогик, намуна улуши (p) ва стандарт хатолик ($\pm Sp$) ҳисоблаб чиқилган. Критик қийматлар жадвалида (t), муҳимлик даражаси (z), қиймат даражаси (a) ва эркинлик даражалари сони (v) аниқланган. Фарқлар < 0.05 да муҳим деб ҳисобланган.

Диссертациянинг **“Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитда эндоскопик транспапилляр аралашувларнинг хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитни ташҳислаш, унинг клиник кўринишлари, икки босқичли жарроҳлик тактикаси ва эндоскопик транспапилляр аралашувларнинг ролининг таҳлили келтирилган. Беморларда ривожланган йирингли холангит, катта дуоденал сўрғич ва УЎЙ нинг терминал қисми патологиялари билан учраш комбинациясига кўра ретроград транспапилляр аралашувлар, беморларда иккинчи, радикал босқич холецистэктомия усуллари таҳлил қилинган.

Ҳозирги вақтда холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитларда жарроҳлик тактикаси, ўт йўлларида бажариладиган жарроҳлик амалиётининг вақти ва ҳажмини танлашда, шунингдек холедохолитиазда транспапилляр эндоскопик аралашувларнинг роли ва жойи охригача мувофиқлаштирилмаган бўлиб қолмоқда ва кўпинча жарроҳлар ўртасида баҳс мунозараларни келтириб чиқаради.

Тадқиқотнинг натижалари асосида ЭРПХГ да механик сариқликнинг асосий сабаблари қуйидагилар бўлган: холедохолитиаз-1977 (шу жумладан резидуал холедохолитиаз), катта дуоденал сўрғич (КДС) ўсмаси - 129 беморда, ошқозон ости беши бошчасининг ўсмаси 365 ва умумий ўт йўли терминал қисмининг торайиши - 76 беморда; жигар дарвозаси ўсмалари, бошқа ўсма жойларидан жигар метастазлари ва перихоледохеал лимфа тугунлар аденопатияси туфайли УЎЙнинг торайиши- 138 бемор, умумий ўт йўлига жигарнинг ёрилган эхинококк кистаси-126 бемор, гепатикофациола -3 бемор, Мириizzi синдроми - 15 бемор беморлар; холедох кистаси -3 пациент; МС аниқланмаган (САГ, СГ, ва ҳоказо) - 66 бемор (механик бўлмаган табиатли) -1.жадвал.

Холедохолитиаз 1997 (66,6 %) беморларда кузатилган ва улар орасида йирингли холангит 120(6%) беморда кузатилган.

Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангит билан касалланган 120 беморнинг 89(74,2%) тасида холедохолитиаз аниқланган, холедохолитиаз билан бирга папиллити бор беморларнинг 14(11,7%) тасида, холедохолитиаз умумий ўт йўлининг терминал қисми стенози билан холедохолитиаз - 10(8,3%) таси, холедохолитиаз билан узун умумий ўт йўли терминал қисми стеноз билан - 7(5,8%) беморларда аниқланган.

1 - жадвал

**МС билан касалланган беморларнинг улуши
(механик сариқлик сабабига кўра)**

Механик сариқлик сабаблари	Беморлар сони	
	Абс. касалланган беморлар сони.	%
Яхши сифатли	2251	75.8%
Холедохолитиаз	1977	66.6%
КДСга тикилган тошлар (холедохолитизлар ичидан)	(52)	(2.6%)
Холедох терминал қисми стенози	76	2.6%
эхинококк кистасининг ўт йўллариغا ёрилиши	126	4.2%
Фасциолиаз (Гепатикофациола)	3	0.1%
Умумий ўт йўли кисталари	3	0.1%
(САГ, паренхиматоз сариқлик)	66	2.2%
Ёмон сифатли	719	24.2%
КДС ўсмаси	129	4.3%
ўт пуфаги ўсмаси	87	3%
Жигар дарвозаси ўсимтаси (Клацкина), бошқа жойлардан жигарга метастазлар ва перихоледохиал ЛАП туфайли УЎЙ нинг торайиши	138	4.6%
Жами	2970	100

Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангит 11 беморда анамнезда ўт пуфаги олиб ташланган. Яъни, ушбу тоифадаги беморларда механик сариқлик қолдиқ (резидуал) ёки такрорий холедохолитиаз натижасида ривожланган.

Биринчи босқичда ЭРПХГ дан, кейин ЭПСТ ва литоэкстракция амалга оширилган. ЭРХПГ нинг юқори ташҳисот самарадорлиги унинг даволаш процедуралари (папиллосфинктеротомия, литоэкстракция ва литотрипсия, назобилиар дренаж, ўт йўллари санацияси, эндопротезларни ўрнатиш ва бошқалар) билан бирга сифатли амалга ошириш имкониятини беради.

ЭПСТ амалиёти турли хил формаларда 120 (87,0%) беморларда

бажарилган, шу жумладан литоэкстракция назобилиар дренажлаш билан 108 (90%) ва пластик стент кўйиш 12 (10%) беморда амалга оширилган.

Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангит беморларда миниинвазив аралашувлар қўлланилган, биринчи босқич ЭРПХГ ва ЭПСТ билан, сўнгра литоэкстракция амалиёти бажарилган. ЭРПХГ ҳар доим эзофагогастроуденоскопия (ЭФГДС) дан кейин амалга оширилган, бу эса ўз навбатида 120 беморда амалга оширилган. ЭРПХГ дан фойдаланиш тажрибаси механик сарикликнинг сабабларини, ўт йўллариини обтурация даражасини аниқлашда ва билиопанкреатик тизимнинг анатомик ва функционал ҳолатини баҳолашда усулнинг юқори самарадорлигини кўрсатган.

Шундай қилиб, холедохолитиазда 2-жадвалда келтирилган папилла патологияси ва умумий ўт йўлининг терминал қисми билан йирингли холангит сабабли холедохолитиаз комбинациясига кўра қуйидаги ретроград транспапилляр аралашувлар ишлатилган.

ЭПСТ, тошларини олиб умумий УЎЙ дан олишдан ташқари папиллостенозни ҳам тузатишга, ўт йўллариини санация қилишга ва энг муҳими ўн икки бармоқли ичакка ўт суюқлиги оқимини тиклашга ва умумий ўт йўлининг декомпрессиясини яратишга имкон берган.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, палилосфинктеротомия йирингли холангит билан асоратланган холедохолитиазли 108 (90,0%) беморда эндоскопик палилосфинктеротомия (ЭПСТ), шу жумладан, ЭРСП, билан назобилиар дренажлаш - 38(31,7%) беморда, ЭРПХГ, супрапапилляр холедоходуоденостомия - 16(13,3%) пациентда, ЭРПХГ, КДС ампуласи томини кесиш - 13 (10,8%) беморда, ЭРПХГ, атипик папилотомия игна электродли папиллотом билан – 11(9,2%), ЭРПХГ, ЭПСТ, механик литотрипсия ва литоэкстракция ва назобилиар дренажлаш - 30 (25%) беморда амалга оширилган. ЭРХПГ пластик стентлаш билан – 12 (10%) беморда бажарилган.

2-жадвал

Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангит билан асоратланган беморларда ретроград транспапилляр аралашувлар

Жарроҳлик тури	Беморлар сони	
	АБС	%
ЭПХГ, конюляция ЭПСТ назобилиар дренаж билан	38	31,7%
ЭРПХГ, Супрапапилляр холедоходуоденостомия СПХДС	16	13,3%
ЭРХПГ, КДС ампуляр қисмининг томини кесиш	13	10,8%
ЭРПХГ, атипик папиллотомия игнасимон электрод билан	11	9,2%
ЭРПХГ, ЭПСТ, механик литотрипсия билан литоэкстракция ва назобилиар дренажлаш	30	25%
ЭРХПГ, қисман ЭПСТ, пластик стентлаш.	12	10%
Жами	120	100%

Жигар функцияси кўрсаткичлари меъёрлашгандан сўнг, иккинчи

босқич-лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭК) ёки анъанавий холецистэктомия (ТХЭК) амалга оширилган. Жарроҳлик усулини танлаш, ўт пуфаги деворидаги деструктив ўзгаришларга, перитонитнинг ривожланишига ва холангитнинг мавжудлигига боғлиқ бўлган. II босқичда бажарилган радикал операцияларнинг хусусиятлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Холедохолитиаз сабабли асоратланган йирингли холангитда, ўт йўллари декомпрессияси ва сариқликни бартараф қилишдан сўнги оператив амалиётлар (II босқич-радикал жарроҳлик)

№	Операциялар	миқдорининг турлари
1.	Лапароскопик холецистэктомия (ЭРПХГ ва литоэкстракциялардан кейин).	64 (58,7%)
2.	Анъанавий холецистэктомия (ЭРПХГ ва литоэкстракциялардан кейин).	45 (36,7%)
3.	Анъанавий холецистэктомия, холедохни Пиковский бўйича дренажлаш.	11 (0,9%)
4.	Анъанавий холецистэктомия, холедохни Кер бўйича дренажлаш.	2 (1,8%)
5.	Анъанавий холецистэктомия, холедохни Вишневский бўйича дренажлаш	1(0,9%)
	Жами	109

II босқич операциялари 109 нафар беморда, жигар етишмовчилиги ҳолатларини камайтиргандан ва қонда билирубин даражасини меъёрлаштиргандан сўнг, ўртача 4,9 кундан кейин амалга оширилган. Лапароскопик холецистэктомия 64(58,7%) беморда амалга оширилган. Лапаратомия ва анъанавий холецистэктомияга кўрсатма бўлган ҳолатлар бу ўт пуфагидаги деструктив ҳолатлар, турли тарқалишдаги перитонитлар ва холедохни анъанавий йўл билан дренажлашга мажбур бўлинган ҳолатлардан иборат бўлган. Лапаратомия билан анъанавий холецистэктомия 45 (41,3%) беморда, шу жумладан анъанавий холецистэктомия, Пиковский бўйича холедохни дренажлаш билан холедохотомия - 1 беморда, анъанавий холецистэктомия, холедохотомия Кер бўйича холедохни дренажлаш - 2 беморда, анъанавий холецистэктомия, холедохотомия Вишневский усулида холедохни дренажлаш билан холедохотомия-1 беморда бажарилган.

Диссертациянинг “Холедохолитиаз сабабли ривожланган йирингли холангитни даволашда, озонланган натрий хлорид ва 0,02% диметоксин

эритмаларини эндобилиар ишлатиш эҳтимоллигини ўрганиш” деб номланган тўртинчи бобида йирингли холангитни даволашда ўт йўллари назобилиар дренажлашдан кейин, озонланган натрий хлорид ва 0,02% диметоксин эритмалари билан эндобилиар даволаш ва ушбу даволанган беморлар гуруҳида умумий клиник белгилар ва қоннинг лаборатор кўрсаткичларининг динамикаси тавсифланган. Даволашда умумий ўт йўлининг декомпрессиясидан кейин ўт йўллариининг бактериал флорасидаги ўзгаришлар, йирингли холангитни даволашда жарроҳлик даволашнинг II - босқичининг натижалари тўлақонли ёритилган.


Йирингли холангит ривожланганда, ЭРПХГ ни бажаришдан олдин умумий ўт йўлини ўз вақтида декомпрессия қилиш зарур, акс холда ЭРПХГ ни ўзи беморнинг ахволини кескин оғирлаштириши мумкин.

Бу йўналишда озонланган натрий хлорид ва 0,02% диметоксин эритмаларини эндобилиар маҳаллий қўллаш бу йўналишда истиқболли ҳисобланади. Тавсия этилган усул умумий ўт йўлини декомпрессия қилиш ва санация қилиш учун, миниинвазив усулга асосланган бўлиб, бунда озонланган физиологик ва 0,02% диметоксин эритмалари кетма кетликда эндоскоп орқали ўт йўлларига ретроград йўналишда КДС дан санация мақсадида юборилади. Шу мақсадда ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун барча миниинвазив транспапилляр муолажалар, ЭПСТ, литоэкстракция, (баъзи ҳолларда механик литотрипсия ёрдамида) умумий ўт йўлининг декомпрессияси ва назобилиар дренаж куйиш билан якунланган.

Назорат гуруҳидаги беморларда эндоскопик транспапилляр аралашувлардан олдин ўтказилган қон таҳлиллари юқори даражадаги интоксикация ва қоннинг яллиғланиш реакциясини юқорилигини кўрсатган.

ЭПСТ декомпрессиясининг биринчи кунда назорат гуруҳидаги беморлар қонидаги оқ қон таначалари сони юқори даражада бўлган ($16,51 \pm 0,62 \times 10^9/\text{л}$) ва 3-кунда ҳам ($13,63 \pm 1,52 \times 10^9/\text{л}$) кўрсаткичларга эга бўлган. Фақатгина 5-кунга келиб, оқ қон ҳужайралари сони меъёр даражаларига яқинлашган ва $7,88 \pm 0,66 \times 10^9/\text{л}$ кўрсаткичларга эга бўлган. Лейкоцитар формуладаги ўзгаришлар таёқча ядроли нейтрофилларнинг операциядан олдинги ($17,32 \pm 1,39\%$) ва операциядан кейинги 3 кунлик даврда ($12,55 \pm 1,12\%$ гача) кўпайиши билан характерланган. Бу кўрсаткичлар бемор организмда яллиғланиш жараёнларининг сезиларли даражада ўзгаришларини кўрсатган. Таёқча ядроли нейтрофиллар сонининг меъёргача ($6,68 \pm 0,78\%$) тушиши, даволанишнинг 5-кунига келиб содир бўлган. Беморларнинг қонидаги лимфоцитларнинг улуши операциядан олдин ($10,23 \pm 1,47\%$) ва операциядан кейинги 3-4 кун ичида ($13,21 \pm 1,23\%$) камайган. Бу кўрсаткичнинг меъёрлашуви даволашнинг 5-кунига тўғри келган ($18,46 \pm 1,34\%$). Моноцитларнинг сони операциядан олдин меъёрнинг пастки чегараларига тўғри келган, кейин 1-кунга келиб бироз ($4,13 \pm 0,58\%$) камайган, операциядан кейинги даволашнинг 3-кунида аста-секин меъёрга

яқинлашган ($6,47 \pm 0,345$) ва 5 кунга ($6,68 \pm 0,56\%$) келиб батамом барқарорлашган 1- расм.




1 - расм. Анъанавий даволаш гуруҳидаги беморларнинг назобилияр дренажлашдан кейин қондаги лейкоцитлар сони ва лейкоцитлар формуласини ўрганиш натижалари ($M \pm m$).

Гематологик кўрсаткичлар билан бир қаторда, жигар ферментларининг ўзгариш динамикаси ҳам ўрганилган. Таққослаш гуруҳидаги беморларда, холангитни анъанавий комплекс даволашнинг турли босқичларида гематологик кўрсаткичларнинг динамикаси, бу беморларда реактив яллиғланиш реакцияси ва эндотоксикоз даражасининг секин ижобий ўзгаришларини кўрсатган. Қоннинг дастлабки биокимёвий кўрсаткичлари оғир холемик интоксикация, жигарнинг детоксикацион ва ферментатив функцияси бузилганлигини кўрсатган (2-расм).

